“МАКТАБ-ЛАБОРАТОРИЯ”ЛАР МИНТАҚАВИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ МОДЕЛИ СИФАТИДА

Саодат Тоштемирова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда педагогика соҳасида татбиқ этилаётган кластер моделининг амалий фаолияти самарадорлигини оширувчи “мактаб-лаборатория” майдончаларининг мазмун-моҳияти, назарий ва амалий аҳамияти, унинг минтақавий таълим самарадорлигини оширишдаги асосий вазифаларига урғу берилган.

Калит сўзлар: педагогик таълим инновацион кластери, интеграция, “мактаб-лаборатория”, ҳамкорлик, таълим сифатини ошириш, самарадорлик механизмлари

“SCHOOL-LABORATORIES” AS A MODEL FOR IMPROVING THE QUALITY OF REGIONAL EDUCATION

Saodat Toshtemirova
Senior teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article emphasizes the content, theoretical and practical significance, main tasks to improve the quality of education of the “school-laboratory” area, which increase the effectiveness of the practical activities of the cluster model, currently used in pedagogy.

Keywords: innovative cluster of teacher education, integration, “school-laboratory”, cooperation, improving the quality of education, efficiency mechanisms.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борадаги асосий бўғин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур”, дея таъкидлаганларидан келиб чиққан ҳолда, педагогик олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятларини умумтаълим мактаблари томон

йўналтириш, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва мактаб ўқитувчиларининг куч ва салоҳиятларини бир нуқтага жамлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Таълим тизимидаги илмий-услубий ва ижтимоий-педагогик умумийликни яратиш орқали умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчи ҳамда ўқувчиларини ривожлантириш учун янги йўналиш ва янги механизмларни ишлаб чиқишни инновацион тажриба фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қараш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Педагогика соҳасидаги таълим кластери миллий педагогикамизда янги ҳодиса бўлиб, уни амалга оширишнинг энг асосий воситаларидан бири сифатида “мактаб–лаборатория”ларни келтириш мумкин. “Мактаб–лаборатория”- ларнинг асосий мақсади узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, кластер моделини педагогик таълим амалиётига татбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказиш ҳамда таълим турлари ўртасидаги амалий интеграцион фаолиятни ривожлантиришдан иборат.

Бундан кўриниб турибдики, “мактаб-лаборатория” майдончалари фаолияти:

- таълим турлари ўртасидаги ўзаро интеграция жараёнларини фаоллаштириш ва - уларнинг салоҳиятларидан самарали фойдаланиш;

- мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг инновацион шаклларини излаб топиш ва уларнинг ечимларига нисбатан илмий ёндашувларни шакллантириш;

- таълим тизимидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга қаратилган ишларни амалга оширишдан иборат.

“Мактаб-лаборатория” майдончаларига таълим турлари ҳамкорлигининг инновацион шакли сифатида қараш, тушунчанинг моҳиятини тўғри англашни таъминлайди. Улар педагогик таълим инновацион кластери борасидаги инновацион лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос педагогик инкубатор вазифасини бажаради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда “мактаб-лаборатория” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадига қаратилган**

инновацион-интеграцион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш вазифасини бажарадиган мажмуадир

Таълим турларининг ўзаро алоқаси натижасида вужудга келган бу **интеграцион мажмуа бошқа механизмлардан қуйидаги алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради**:

умумий ўрта таълим муассасалари билан олий ўқув юрти ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастурлар ва лойиҳалар;

қўшимча таълим хизматлари, халқаро баҳолаш дастурларида келтирилган фанлар бўйича фундаментал тайёргарлик;

олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига услубий қўрсатма ва тавсиялари;

ўқитувчиларнинг олий ўқув юрти кафедралари томонидан бошқариладиган илмий-тадқиқот ишлари орқали ўқитиш усулларини ўзлаштириши;

мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларининг олий ўқув юрти ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти ва бошқалар.

НАТИЖАЛАР

Кластер ёндашуви асосида таълим самарадорлигини ошириш фан ва таълимни, пировардида, амалиётда жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ҳамда амалга ошириш имконни яратади. Кластер доирасидаги бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш жараёни мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий жараёндир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китоблар ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қилади, шундагина кластер модели субъектларни ишончини қозонади. Шундай экан, педагогик таълим инновацион кластери доирасидаги илмий-педагогик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш муайян тажриба-майдончалари ташкил қилишни талаб этади.

“Мактаб-лаборатория”ларда инновацион ва интеграцион таълим парадигмаси ташкил қилиниб, олий таълим ва умумий ўрта таълимни ўзаро муваффақиятли фаолияти орқали таълим самарадорлигини ошириш ва жамиятда ижобий ўзгаришларга эришиш кутилаётган натижа ҳисобланади. “Мактаб-лаборатория”ларда бу мақсадларга эришиш, бу фаолиятни ривожлантириш кўп жиҳатдан таълим даражаси, умумий маданият, профессионаллик, компетенция, фуқаролик фаоллиги, Ватанпарварлик, ва талабалар ҳамда ўқувчиларнинг масъулиятлилиги, шунингдек, таълимдаги

интеграция жараёнларини қанчалик самарали амалга оширилишига боғлиқ. Бу жиҳатдан келиб чиқадиган бўлсак, **“мактаб-лаборатория”ларни илмий-амалий-интеграцион мажмуа** деб ҳам қараш мумкин.

Олий ўқув юрти ва умумий ўрта таълим ҳамкорлигидаги янги интеграцион мажмуани амалга ошириш шартларидан яна бири бу асосий билим олиш ва касбий ихтисосликнинг ўзаро боғлиқлигини илмий асослаш, шунингдек, фақатгина мавжуд билимларни таълим олувчиларга беришдан эмас, илм-фан томонидан талаб қилинадиган янги билимларни ишлаб чиқишга ўтиш, шакллантириш орқали амалга оширилиши мумкин. Талаба ва ўқувчиларни илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларга жалб қилиш, ахборот билан мустақил таҳлилий жараёнларни олиб бориш лозим.

Педагогик таълим кластери тақдим қилаётган **“мактаб-лаборатория” инновацион-интеграцион мажмуаси ўз олдига қуйидаги вазифаларни белгилайди:**

- олий ўқув юртининг асосий стратегик тадқиқот концепцияси асосида умумий ўрта таълим муассасаси ва ОТМ ўртасидаги инновацион-интеграцион ҳамкорлик тамойилларини янада ривожлантириш;
- ўқувчиларни олий таълимлардаги барча мутахассисликлар ва таълим йўналишлари бўйича ўқишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- интеграциянинг ривожланиш йўналиши бўйича - вертикал, даражасига кўра - ўзаро ҳамкорлик, фаолият йўналиши бўйича - ишлаб чиқариш ҳамда илмий-таълимий йўналишларига асосланган – узлуксиз, кўп босқичли тамойилларини ишлаб чиқиш;
- “мактаб-лаборатория” интеграциясининг ташкилий механизмларини такомиллаштириш ва ҳоказо.

МУҲОКАМА

“Мактаб-лаборатория” инновацион-интеграцион мажмуалари юқорида мақсадларга эришишда қуйидаги йўналишларда фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ:

“мактаб-лаборатория”ларда асосий билимларни ўзлаштиришдан ташқари педагогик-психологик имкониятлари орқали олий таълимдаги мутахассислик ва таълим йўналишлари бўйича мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасида касбга йўналтириш ишларини самарали ташкил қилиш;

олий таълим билан ҳамкорликда умумий ўрта таълимнинг 7-синфидан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятига асосидаги вариатив ўқув дастурларни ишлаб чиқиш;

қўшимча дастурларни муваффақиятли тугатган мактаб битирувчиларини олий таълимга кириш имтиҳонларини ўтказиш тартибига мувофиқ дастлабки синов имтихонларини ташкил этиш, адаптация муҳитини шакллантириш;

“мактаб-лаборатория”ларнинг тегишли бўлимларида олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари иштирокида илмий-тадқиқотларга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан тайёрланган ишларни белгиланган тартибда муҳокама қилиб бориш, уларнинг компетентлик даражаларини ривожлантириш;

умумий ўрта таълим муассасаларида ихтисослаштирилган синфлар ташкил қилиш, бу синф ўқувчиларининг ривожланиши учун ҳамкорликда шароитлар яратиш, олий таълимнинг ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда ихтисослашган фанларни чуқур ўрганишига имконият яратиш;

олий таълимнинг кундузги юқори босқичида ва сиртқи, кечки таълим шаклида таълим олаётган талабаларни касбга узлуксиз тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш ва шунинг натижасида талабаларни касбга тайёргарлик жараёнини муддатини қисқартириш;

“мактаб-лаборатория” инновацион-интеграцион мажмуаларини фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида назарий ва амалий тадқиқотлар ҳажмини кенгайтириш кабилар.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг тизимли фаолияти натижасида таълим муассасалари учун муҳим бўлган қуйидаги йўналишларда самарадорлик таъминланади:

- ҳар бир йўналишда таълим кластери фаолияти билан боғлиқ янги лойиҳалар ва лойиҳа гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилади;
- истиқболли лойиҳаларни оммалаштириш имконияти пайдо бўлади;
- кафедраларда барча профессор-ўқитувчилар “мактаб-лаборатория” ишига жалб қилинади;
- талабаларнинг ўқитувчилик касбига бўлган мослашувчанлик даври қисқаради;
- таълим турлари ўртасидаги узлуксиз, узвий ва изчил ҳамкорликнинг, демакки, таълим кластери фаолиятининг самарадорлиги ортади ҳамда унинг амалиётга татбиқи тезлашади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш шакли сифатида таълим турлари ўртасидаги интеграция муносабатларини таъминлаш,

умумтаълим мактаблари фаолиятини инновацион жараёнларга тортиш, таълим ва тарбия уйғунлиги борасида самарадорликка эришиш, таълим сифатини бошқариш ва яхшилаш, иқтидорли ўқувчиларни юзага чиқариш, ўқитувчилар фаолиятини назорат қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ сифат кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

REFERENCES

1. Mardonov, S., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. *International Journal of Psychological Rehabilitation, 27*(07), 8104-8111.
2. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8*(4), 151-156.
3. Mardonov, S., Khodjamkulov, U., Botirova, S., & Shermatova, U. (2020). The Need to Educate Young People with the Spirit of Patriotism in the Context of Globalization. *Journal of Critical Reviews, 7*(12), 243-247.
4. Toshtemirova, S. A. (2019). KLASTER YONDASHUVI ASOSIDA MINTAQAVIY TA'LIM TIZMINI BOSHQARISH. *NamDU ilmiy axborotnomasi*, *1*(11), 361-367.
5. Khodjamkulov, U. (2020). Necessity and Conditions for Forming a Cluster of Pedagogical Education (on the Example of the Education System of Uzbekistan). *European Journal of Research and Reflection In Educational Sciences*, *8*(4), 133-137.
6. Toshtemirova Saodat Abdurashidovna. Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim.-2020. - № 1 (86). - S.5
7. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). *International Journal on Integrated Education, 2*(5), 212.
8. Toshtemirova, S.A. (2020). The quality of education is a pedagogical problem. *Актуальные вопросы современной науки Материалы VI международной научно-практической конференции, Саратов. 1*(1), 39-40.
9. Абдурахманова, Ж. Н., Тоштемирова, С.А. (2020). ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИДАН БИРИ. *Science and Education*, *1*(Issue 7), 436-442.
10. Тоштемирова, С. А. (2020). ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА КЛАСТЕР МОДЕЛИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ. *Science and Education*, *1*(Issue 7), 632-638.

11. Shukurullo Mardonov. Art Pedagogical and art therapeutic technologies in the art classes. *International Journal of Research in Economics and Sosial Sciences, 10* (Issue 6), 26-36.

12. S. A. Tashtemirova (2020) STAGES OF EDUCATION CLUSTER ORGANIZATION // *МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА. ПРОБЛЕМЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ, ИННОВАЦИИ: материалы III международной научно-практической конференции. Саратов, Академия Бизнеса*. P. 11-14